


Асл мақсад амалдир



09:16 / 18 март 3248

Бир киши ҳазрат Таҳановий раҳматуллоҳи алайҳга шундай деб ёзди:
«Жуда кўп зикр ва тиловат қила бошлаганман. Таҳажжуд ҳам хуфтондан кейин (кечанинг охири кечасида) давомийдир. Лекин ҳануз қалбда ҳузур пайдо бўлмади».

Жуда кўп одамларда шундай шикоят бўладики, биз зикр қиламиз, тиловат ҳам қиламиз. Лекин бирор завқ, ҳузур ва халоват сезилмайди. Чунончи, бунинг натижасида одамлар, менинг амалим бекордир ёки қандайдир бағритош ва бераҳмлигим сабабли ҳузур бўлмапти ёки Худо билади нима сабаб экан деб ўйлайдилар. Яна бунинг натижасида у хавотир бўлиб қолади ва баъзида маъюсликгача навбат етиб боради. Бу тавфиқ ҳам неъматдир.

Бунинг жавобида ҳазрат Таҳановий раҳматуллоҳи алайҳ шундай дедилар:
«Раҳмат»ку пайдо бўлгандир. У раҳбарлик қиляпти.
«Ҳузур» ўзи унга итоаткордир. Ўзининг навбатида у ҳам ҳозир бўлади.

Яъни, асл нарсa Аллоҳнинг раҳмати, яъни амал тавфиқидир. Амал қилиш тавфиқи бўлгани, бу улуғ неъматдир. Уни қадрланг ва унга шукр қилинг. Бу раҳмат сизга раҳбарлик қиляпти. «Ҳузур» қолди, у раҳматга

итоаткордир. Қачонки, унинг навбати келса, у ҳам ҳозир бўлади. Нима у ҳам ҳозир бўлиши зарурийми? Йўқ, хечам зарурий эмас. Агар бутун умр ҳузур ҳосил бўлмаса, унда ҳам бирор зарар йўқ. Лаззат ва кайфият мақсад эмас. Амалнинг ўзи асл мақсаддир. У амал орқали ҳосил бўладиган кайфият мақсад эмас.

Масалан, амал натижасида лаззат бўляпти ва ҳузур бўляпти, мулойимлик бўляпти, йиғи келяпти. Бу нарсалар асли ўзи мақсад эмас. Агар ҳосил бўлса, у ҳолда Аллоҳнинг неъматларидир. Агар ҳосил бўлмаса, унда бирор зарар йўқ. Асл мақсад амалдир. Шунинг учун амал қилиб олинг. Хоҳ у тиловат бўлсин, намоз бўлсин ёки бирор бошқа амал бўлсин. Бас, у ҳосил бўлсин.

*Шайхул ислом, муфтий Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизаҳуллоҳ.
(«Ислаҳий мажаалис» китобидан. 3-жилд,108-бет).*

Абдулқайюм Комил таржимаси.